

АМИР ТЕМУРНИНГ ҲАЛАБ ШАҲРИНИ ЗАБТ ЭТИШИ:

САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-6>

Ўлжаева Шохистахон Мамажоновна,

тарих фанлари доктори, профессор

Раҳмонбердиева Нодира,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги

механизациялаш муҳандислари

институти ассистенти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Амир Темурнинг ҳарбий юришлари ва дипломатия тарихига оид бир мавзу очиб берилган. Унда Амир Темурнинг Халаб шаҳрини забт этиш сабаблари, жараёнлари ва оқибатлари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Амир Темур, Халаб, дипломатия, ҳарбий юришлар

ПОБЕДА АМИРА ТЕМУРА В АЛЕППО: ПРИЧИНЫ И ПОСЛЕДСТВИЯ

Ўлжаева Шохистахон Мамаджоновна,

доктор исторических наук, профессор

Раҳмонбердиева Нодира,

ассистент Ташкентский институт инженеров

ирригации и механизации сельского хозяйства

АННОТАЦИЯ

На этой статье раскрыта одна тема по истории военных походов и дипломатии Амира Темура. В нем анализирован причины, процессы и последствия похода Амир Темура в Алеппо.

Ключевые слова: Амир Темур, Алеппо, дипломатия, военные походы.

CONQUEST OF AMIR TEMUR IN ALEPPO: REASONS AND IMPLICATIONS

Ulzhayeva Shokhistahon Mamadzhonovna,

doctor of historical sciences, professor


Rahmonberdieva Nodira,

Assistant of the Tashkent Institute of

Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

ANNOTATION

This article covers one topic on the history of military campaigns and diplomacy



of Amir Temur. It analyzes the causes, processes and consequences of the Amir Temur campaign in Aleppo.

Key words: Amir Temur, Aleppo, diplomacy, military campaigns.

Амир Темурнинг Ҳалаб шаҳрини забт этиши ҳақида манбаларда анча кенг ва атрофлича маълумотлар келтирилган.


Амир Темур кўшинлари Ҳалабга томон юзланиши арафасида, Темиртош Миср ҳукмдорига ўз аҳволи ҳақида хабар юборди.

«Миср волийсидан Дамашқ, Тароблис, Хўмс, Ҳамо, Баалбак, Сафд, Калъат ар-Рум ва атрофдаги ўзга амирлар унинг ёрдами учун Ҳалабга жам бўлсинлар» деган ҳукм бўлади [1]. Мамлукларнинг бирлашган икатта кўшини Ҳалабда тўпланди.

Шундан кейин Ҳалабда Амир Темурга қандай қарши курашиш бўйича катта маъмурлар ўртасида маслаҳат ва машварат ўтказилган. Бири шаҳарни қўрғон билан мустаҳкамлашни маслаҳат берса, бошқаси девор атрофини халқа қилиб ўраб олишни маъқул кўрарди. Бу машваратда жуда кўп тўғри ва нотўғри фикрлар бўлган. Оқил кишилардан бир гуруҳи «Бу шахс (Амир Темур) Аллоҳ томонидан қўлланган бир зотдир. У ҳозиргача ҳар жойгаки юзланмасин, уни забт этган, ҳар ким унга муҳолифатчилик қилган бўлса - зиён тортган. Рубъи маскун унга гардан эгдилар. Шундай кишига қарши чиқиш бирон жойга етказмайди, бунинг оқибати пушаймонлик бўлади. Ўзларингни ғафлатда қолдирманглар. Улардан ҳозиргача қалъалар ва шаҳарлар борасида, хусусан, Хуросон, Сеистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда содир бўлган ҳолатларни кўзингиз олдига келтиринглар, ўзларингизнинг заволингиз ва ҳалокатингизга саъйи қилманглар. Тўғри фикр шулки, итоат ва сулҳ йўлидан юрайлик, лойиқ тухфалар ва тортуқлар юборайлик, токи у бизнинг устимизга марҳамат этагини ёпиб, биздан юз ўгиргай ва мамлакат саломат қолгай» [2].

Судун ва бошқалар аскарларнинг кўпига, шаҳар девори ва қалъанинг мустаҳкамлигига ишониб, «бизнинг бу мамлакатнинг иши бошқа мамлакатларга ўхшамайди, уларнинг ҳисорлари кўпроқ лой ва тупроқдан, бизнинг шаҳар ва ҳисорларимиз тошдан, балки пўлатдандир. Агар бизнинг шаҳарларимиздан қай бирини бўлмасин жанг ва муҳосара билан олишни хоҳласалар, ойлар, балки йиллар керак бўлади... Бизнинг камонларимиз Дамашқ камони, қиличларимиз мисрий - Миср қиличлари, қалқонларимиз ҳалабий - Ҳалаб қалқонларидир. Агар аскарнинг кўплигини мулоҳаза қиладиган бўлсаларингиз бу мамлакатда 60 000 қишлоқ ва қасаба қаламга олинган. Агар бир жойдан бир нафари киши келган бўлса ҳам уларга устун келади. Бу афзалликлар устига улар саҳрода, биз эса ҳисорда, уларнинг уйлари девори тери ва арқондан (чодирлар назарда тутилмоқда -Ш.Ў.), бизнинг ҳисорларимиз тошдан ва сандондан» деб ўзларига мағрур бўладилар ва тўғри қарор қабул қилишдан бош тортадилар [3].

Улар орасида Ажамдан келган бир жамоа бўлиб, сўзларини беғараз эшитишларидан умидвор ҳолатда қуйидагиларни такрорладилар: “Биз уларнинг аҳволидан кўпроқ хабардормиз, ишнинг қаерга бориб этишини аниқ биламиз; хусуматчиликка ошиқманглар ва бу ишни кичик санаманглар [4]”.



Жамоатдан баъзилар уларни Амир Темурнинг жосуслари ва мамлакатни мўғулларга ем қилмоқчи» деб тухмат қиладилар.

Низомиддин Шомий уларнинг калтабинлигига афсуслар айтиб «ақл уларнинг тадбирига кулди, замона уларнинг ҳолига йиғлади» дея урушишга келишилган қарорни қоралаб ёзганди [5].

Охири Темуртош уларни Амир Темурга қарши курашишга кўндирди ва ҳамма бир овоздан ортга бир қадам ҳам чекинмасдан жанг қилиш ҳақида келишиб олдилар.

Ибн Арабшоҳнинг келтиришича, Амир Темур Антобда бўлган вақтида ўз чопарини Мамлукларнинг Ҳалабдаги ноиб Темуртошга ва бош лашкарбоши-си Судунга юборган. Унга кўра, Темур амрларига итоат билдириб жангу жадални тўхтатиш, ва Маҳмудхон ҳамда улуғ Амир Темур Кўрагон номи билан хутба ўқитиш ва аввал унинг ҳузурида бўлиб, Атламиш (Амир Темурнинг синглисининг қизини берган амир, Амир Темурнинг қариндоши-Ш.Ў.)ни қайтариб юбориш талабларини кўйганди.

Хатда «Фақат у (Амир Темур)- одамлар устидан сиёсат юригизишга лойиқ кишидир, ёлғиз унинг ўтказган кишисигина халифа ва имомдир, ҳамма Темурга тобе ва итоатда бўлмоғи лозим, ер юзининг Темурдан бошқа подшоҳлари эса унинг хизматкорлари ва тобеларидир. Риёсат (иши)да ундан бошқада қаёқдан ҳам маҳорат бўлсин? Сиёсат тартибларини черкаслар (Миср мамлукларининг аждодлари черкаслардан эди, бу ерда шунга ишорат бўлмоқда -Ш.Ў.) қаёқдан (ҳам) билсин?» қабилида панд-насихат ва ультиматумдан иборат бўлган хат-мактубларни юборган.

Дамашқ шаҳрининг амир ул-умароси Судун бу гапларга эътибор бермай Амир Темур элчисининг бошини кесди [6].

Низомиддин Шомий Амир Темур кўшинларининг Ҳалаб шаҳрини забт этишини ўз кўзи билан кўрган муаррихдир.

Низомиддин Шомий Ҳалаб шаҳрининг ўша даврдаги энг мустаҳкам қалъалардан бири бўлганини айтиб ўтган. Бу қалъа ҳандақининг эни 30 метр, чуқурлиги 22 метрга етган бағоят кенг, агар ҳохласалар бу ерда кемалар сузиб юриши мумкин эди. Бу қалбанинг девори баланд бўлиб, тахминан юз метрга тенг келар эди.

Унинг устига бору ва буржлар тошдан ўрнатилганди. Унинг тепаси учкир бўлиб, ҳеч кимса пиёда юра олмасди.

Амир Темурни элчининг ўлдирилганидан ғазабга келган ва уларнинг урушга келишиши қароридан огоҳ бўлганди.

Низомиддин Шомий Амир Темурнинг равшан раъйи ва узоқни кўзлайдиган ақлини ўзига вазир ва маслаҳатчи қилгани, Тангрининг этаги ёрдамига қўл ургани ва шошилмасдан икки кунлик йўлга етти кунда етиб борганини ҳикоя қилган. Қалъа аҳли буни Амир Темур кўшинининг қуввати қолмаган, тез келишга кучи етмаяпти деб тушунган ва бу хатти-ҳаракатдан дадилланиб кетганди.

Қалъага етиб келинган, муҳораба бошланади. Қалъа аҳли ноғора қоқиб раъд-тўп отишни бошлайди. Амир Темур қалъа рўпарасига келиб шоҳона бир


палос устида жойлашиб олиб, қалъани забт этишга машғул бўлади ва лашкарига ҳандақ бўйлаб, уни ўраб олган ҳолда жойлашишга буйруқ беради. Аскарлар ўқ захми билан қалъа аҳлининг бош чиқаришига йўл қўймади. Ишчилар ва нақибчилар бир кечадаёқ ҳандақ атрофини қалъа деворини илма-тешик қилиб ташладилар ва сувдан ўтиб харсанг тошлар билан мустаҳкамланган қалъа пойдеворини қўпоришга тушдилар.

Низомиддин Шомий Ҳижоз сафари (ҳаж сафари)ни ният қилиб ушбу қалъадаги бир босқинчи ва талончи жамоа қўлига асир тушиб қолади. У ерда эканлигида Амир Темур қўшинлари шаҳарга етиб келади. «Бу банда (яъни Низомиддин Шомий) қалъа дарвозаси тўғрисидаги бир томда туриб, парвардигорнинг қудратини ва бу одамларнинг (Амир Темур қўшини)нинг шижоатини томоша қилардим, ногоҳ кўрдимки, қалъа эшиги очилиб, беш нафар мардона қуролланган киши қалъадан чиқиб келиб, қалъа тагини қовлаётганлар (нақибчилар-Ш.Ў.) чоҳ қазувчиларга хужум қилди. Чоҳ қазувчилар воқиф бўлгач, нақб-ковак ичидан чиқиб пастдан юқорига қарадилар-да, у беш отликни ўқ захми билан ерга қададилар. Қалъа аҳлидан фарёд кўтарилди. У беш киши белларига арқон боғлаб, бир учини қалъа устида турган кишилар қўлига тутқизган эканлар, арқонларни тортдилар ва ўлик ё тирик эканлигини билмадим, уларни юқорига тортиб олдилар. Ўзга кишиларнинг қалъадан ташқарига чиқиш у ёқда турсин, буржлар тешигидан бошини чиқаришга ҳам захраси қолмади» деб Амир Темур қўшинининг жанговар ҳолатини баён этган.

Қалъа аҳлида кўрқинч пайдо бўлган. Шу алфозда Амир Темурнинг элчиси келиб қуйидаги мазмундаги хатни кўрсатади: «Тангри таоло ўз қўллови билан жаҳонни бизнинг ҳукмимизга мусаххар қилди, иззату шаъни улуғлангур Аллоҳ ўз иродати ва жаҳон мамлакатларини бизнинг қудрат панжамизга топширди. Истехкомлар бизнинг аскарларимизга монёъ эмас ва ҳисорлар бизнинг ғазабимизни даъф қилолмайди. Агар ўз жонларингизга раҳм қилсангиз, ўзларингизга яхшидир, акс ҳолда ўзингиз ва ва аҳлу аёлларингиз қасдига саъй қилган бўлурсизлар».

Амир Темур ҳар ҳар бир ерга киришдан олдин сулҳ сўраб бир неча марта элчиларини юборган, у қон тўкилишининг тарафдори бўлмаган, тинчликка даъват этган, рақиблари унинг элчиларини ўлдирганларида ва қўпол ҳатти-ҳаракатлар қилганда энг сўнгги чора сифатида уларга қарши қатъий уруш ва жанглар олиб борган.






Халаб ўша пайтда Мамлуклар кўл остида бўлиб, Султон Барқуқ ва унинг ўғли Фараж Амир Темурга қарши Усмонлилар ҳукмдори Йилдирим Боязида, Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхон, Сивос ҳокими Қози Бурхониддин ва бошқалар билан катта альянс-иттифоққа бошчилик қилаётган, Амир Темурнинг одамларидан Отламиш ва унинг яқинларини зиндонбанд этган, элчиларини ўлдирган эди. Мамлуклар ўз ерларида лозим даражада тартиб-интизом ўрната олмаган, мамлакат хароб, ҳожилар ва савдогарлар бу ҳудудлардан тинч-хотиржам ўта олмас эдилар.

Бўри табиатнинг санитари бўлгани каби биз Амир Темурнинг ўша даврда минтақаларнинг санитари, тозаловчиси бўлиб майдонга чиққанини кўришимиз мумкин. Чунки бўрининг бўлмаслиги табиатда ортиқча ифлос нарсаларнинг ва шақалларнинг пайдо бўлишига замин яратади, Амир Темур каби инсоннинг майдонга кириб келиши ҳам ўша даврдаги бир эҳтиёж ва талаб эди. Ҳақиқатан ҳам Амир Темур юришлари ва ўрнатган тартиб-интизом туфайли илгариги қарвон йўллари қайта тикланган, ҳожиларнинг зиёратлари бежавотир амалга оширилган. Давлатлар ўртасидаги алоқалар кенгайган, савдо-иқтисодий алоқалар туфайли турли миллат ва элатлар, давлатларнинг ҳар тарафлама тараққий этишига замин яратилган. Бу урушлар ортида ўрнатилган тартибот, адолат ва қонун устуворлиги фуқаро ҳуқуқининг олий қадрият даражасига кўтарилишига олиб келган. У Евросиё минтақасида бир миллат ёки элат эмас, умуман турли дин, ирқ ва миллатга мансуб бўлган инсонни аввалги саҳнага олиб чиққан ва ҳар бир инсоннинг бахтли яшаши учун шарт-шароитларни яратган. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги алоқаларда ҳам инсон, жамият ва давлат, интеграция ва ягона макон ғоялари кучайтирилган. У инсонларнинг ёвлашмасдан ўзаро ягона маконда яшаши мумкинлигини ҳаётда исботини топган. У Евросиёдаги тинчликни бебош ҳокимликлар ва давлатларга олиб борилган урушлар орқали ўрната олган буюк давлат арбоби ва саркардадир. Биз Амир Темурга баҳо беришда унинг фақат каллакесар бўлгани ва бошқа салбий хусусиятларини эмас, аввало бу юришларнинг айна тинчликнинг сақланишига, тараққиётга катта таъсир кўрсатганига, иккинчи Уйғонишнинг жадал суратлар билан билан пайдо бўлганига ҳам эътибор қаратишимиз керак. Афсуски, бугунги майдонда унинг рақибларининг айби билан бўлган қатли омларга эътибор қаратилиб, танганинг иккинчи томони атайлаб кўрсатилмайди.

Шу ўринда ўқувчининг эътиборини бир жиҳатга қаратишни лозим топдик. У забт этган қалъа ва шаҳарларнинг 10 дан биригина рақибларнинг айби билан талон-тарож қилинган, омонлик сўраб, сулҳга рози бўлганларга тинчлик ва хотиржамлик кафолати берилган. Уларнинг бошбошдоқлик қилиши, урушлари, қароқчи ва йўлтўсарлик қилишлари қатъий тўхтатилган, агар шундай ҳолатлар содир бўлса ўлим жазоси муқаррар бўлган. Ўрта асрлардаги Шарқлик ва унинг ҳокимияти остида бўлган бошқа дин ва миллат вакили то Амир Темур тирик экан, унинг соясида тинч ва хотиржам, ҳеч кимдан зулм кўрмасдан яшаши кафолатга олинган.

Бугун бошқа давлатларда олиб борилган тадқиқотларда унинг Грузия, Арманистон ва бошқа қирғинлари ҳақида бот-бот гапирилади, Амир Темур давридан



деярли 2, 2,5 аср давомида олиб борилган салб юришлари ҳақида кам гапирилади. Салб юришларида ҳам Шарқдаги жуда кўп жойлар эгалланади ва бемисл қонлар тўкилади. Ҳатто Султония, Ҳалаб, Табриз, Усмонлиларнинг таянчи бўлган Измир ва бошқа шаҳарларда ҳам ўша пайтда салбчиларнинг манзиллари кўплаб учраб турар эди. Ана шу салбчиларнинг охириги қолдиқлари ҳам Амир Темур томонидан тугатилган.

Ҳақиқатан ҳам унинг ўзи таъкидлаганидек, унинг бу миссияни бажаришга Аллоҳ юборган. Тарихий манбаларда унинг 800 йилда бир туғиладиган, давлат ва жамият, инсоният қутқарувчиси бўлиб келган инсон бўлганига далил бўлган кўпгина маълумотлар бежизга келтирилмаган бўлса керак.

Яна Ҳалаб воқеасининг давомига қайтсак. Даставвал бушман қоровуллари ўзаро жанг қилишади. Жанг уч кун давом этади. Амир Темурнинг набираси Абу Бакр баҳодир олтмишга яқин кишилари билан илгарилаб кетади ва тумонот лашкарга дуч келади, ўртада шиддатли жанглар бўлади ва улар тарқалишади.

Учинчи кун тонгда ҳал қилувчи жанг бўлади. Амир Темур буронғор, жувонғор ва бошқа қўшин бўлинмаларини тартибга солди, Зирху қуроллар билан жиҳозланган бир саф филларни душман рўпарасига чиқарди. Мамлуклар қўшинида саросима ва кўрқинч бошланади. Амир Темурнинг катта бир бўлинмаси пистирмага қўйилди.


Темурийзода Абу Бакр Баҳодур жангни бошлаб бериб, душманга ўнг қўлдан ҳужумни бошлади. Чап қўлдан Султон Ҳусайн баҳодур жангга кирди, пистирмадан айна жангга бошлиқ қилиб тайинланган амир ул-умаро Жаҳоншоҳ Баҳодур жангга кирди, шу қадар шиддат билан жанг бўлдики, Мамлуклар қўшинига қочишдан бошқа илож қолмади, аммо улар яна жангга кириш фикрида эдилар. Бу сафар Амир Темурнинг ўзи жангга киради ва қўшинга сардорлик қилади. Амир Темур қўшини Мамлукларнинг бирлашган қўшинини қочишга мажбур этади, шаҳар забт этилади, шаҳар одам қонига бўялади [7].

Судун ва Темуртош, қозилар, имомлар ва шаҳар катталари билан дарвозани очиб Амир Темурга бош эгиб қалъадан чиқадилар. Амир Темурнинг амри фармони билан Судун ва Темуртош занжирбанд этилади. Енгилган давлат контрибуция тўлаш шарти ҳамма даврларда ҳам бўлган ва шу қоидага асосан, хазина ва моллар олинади. Бу ўлжалар аскарлар ўртасида тақсимланади.

Бундан кейин Ҳамо қалъаси забт этилади. Бу қалъа ҳам мустаҳкамликда Ҳалабдан ўтар эди. Ҳамо аҳлининг итоат этишдан бошқа чораси қолмайди. Амир Темур уларнинг қонидан ўтади [8].

Мана шу ерда Амир Темурнинг лашкари Соҳибқирон учун бир девонхона қуриб битказадилар. Низомиддин Шомий «Шу озгина вақтда Амир Темур тушиши учун бир девонхона бино қилдиларки, маҳоратли усталар ойлаб ишласалар ҳам ухдасидан чиқолмас эдилар. Амирлар ва давлат арбоблари учун ҳам уйлар ясадилар. Янгитдан бошқа бир шаҳари қурдилар».

Демак, Амир Темур ўзи учун Ўрта Шарқ ҳудудида бир резиденция қуришни мўлжаллаб ушбу шаҳарни қурган бўлиши ҳам мумкин. Бу қурилишларнинг тафсилотлари ва тавсифларига қараганда унинг қўшинида меъмор гуруҳлари ҳам



бўлган деб фараз қилиш мумкин. Чунки унинг профессионал армияси қайси шаҳарга борса у ерларда доимо мустаҳкам қалъа ва шаҳарларга дуч келган. Уларнинг қандай забт этилиш усуллари албатта ҳарбий меъмор-муҳандислар яхши билганлар ва албатта бу соҳани яхши билган мутахассислар уларнинг сафига жалб этилган бўлиши ҳам мумкин. Бундан кўринадики, унинг армиясида турли соҳаларни эгаллаган ҳарбийлар кўпчиликни ташкил этган ва улар жангларда ўз вазифасини бажаришган.

Шунингдек, Амир қўшинининг бўш вақтидан ҳам самарали фойдаланган, кучли қалъалар қаршисида доимо миноралар ва деворлар қуриш анъанаси бўлган. У жуда кўп шаҳар ва қалъаларни қўшин кучи билан қурган.

Амир Темур лашкарбошиларнинг қиш ичи дам олиб, кунлар исиганда юриш қилиш ҳақидаги илтимосини инобатга олмади, у қўшинни Хўмсга томон юришига амр қилди.

Хўмс аҳли совға-саломлар билан омонлик тилаб Амир Темур қўшинини кутиб олди, уларга омонлик берилди.

Тарихдан Амир Темурнинг жанг қилмасдан олган ўнлаб қалъа ва шаҳарларини мисол келтириш мумкин.

Умуман олганда, Амир Темурнинг ҳар бир қалъа ва шаҳарни забт этишга турки берган сабаблар, жараёнлар ва уларнинг натижалари ҳақида атрофлича ва холисона тадқиқотлар олиб борилиши, улар ҳақида ОАВ ва глобал тармоқларда турли тилларда тарғиботлар олиб борилиши, фильмлар яратилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: 1996. –Б. 292.
2. Шомий... –Б. 292-293.
3. Шомий... –Б. 293.
4. Шомий... – Б. 293-294.
5. Шомий... – Б. 294.
6. Ибн Арабшоҳ, Амир Темур тарихи. Арабчадан У.Уватов таржимаси. – Тошкент: Меҳнат. 1-китоб. –Б.198-199.
7. Шомий... –Б. 295.
8. Шомий... –Б. 298.